# IVT-G0309/69- СОН
# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
# АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Наманган ш.** **2022 йил “ 31 ” январь**

**“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2022 йил ___-январдаги ________________ -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг АК "Узбектелеком" Наманган филиали директори Б.Нурматов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **Бош прокуратура хузуридаги Иктисодий жиноятларга карши курашиш департаменти Наманган вилоят бошкармаси** Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Б. Мехмудов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофик “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлик танишиб чикканлигини тасдиклаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдикловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептини) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чикиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан холда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукук ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофик, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофик хар бир танланган хизмат тури учун алохида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофик кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган ҳолда) 8100000 (________________________) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 8100000 (________________________) сўм миқдоридаги Абонент тўловини хамда __________ (________________________) миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортикча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатишни, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик хар бир хизмат тури учун алохида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни хал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик ҳамда низоларни судгача хал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув оркали хал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали хал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чикилади.

**6. Алохида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўз Республикасининг коррупцияга карши курашиш тартибга солувчи конун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро ҳамкорлик мадан юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар кандай холатлар, ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўт кун давомида кўриб чикилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат та этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор килинади.

**7. Якуний коидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20____ йил 31 декабрга кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга қадар амал килади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини кабул килганлиги хақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлик Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, хақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

## 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| | |
|---|---|
| **ОПЕРАТОР:**<br>**“Ўзбектелеком” АК**<br>**Наманган филиали**<br><br>Манзил: Наманган шахар Истиклол куча 57-уй<br>Банк маълумотлари:<br>х/р: _2021 0000 0040 7483 8363;<br>СТИР: 203 366 731;<br>МФО: 00401; АТБ “Алокабанк”<br>Тел: ________________;<br>E-mail: b2b@uztelecom.uz; | **АБОНЕНТ:**<br>**Бош прокуратура хузуридаги Иктисодий жиноятларга карши курашиш департаменти Наманган вилоят бошкармаси**<br><br>Манзил: Наманган ш, И.Каримов, 18<br>Банк маълумотлари: [illegible]<br>х/р: [illegible]<br>СТИР: 203 [illegible];<br>МФО: 00014; Банк номи: ХКАМ МБ Гош.<br>Тел: 234-40-31;<br>E-mail: ________;<br>Дот: ________ |
| **Оператор номидан:**<br>________________ **Б.Нурматов**<br>/имзо/<br>м.ў. | **Абонент номидан:**<br>________________ Махмудов<br>/имзо/<br>м.п. |

MIJOZLAR UCHUN

Юрист ________

Исп.: Юсупов И
Тел: (369) 227-18-10

2022 йил "31" январь
IVT-G0309/69–сонли абонент шартномасига
1–илова

<u>Кўрсатиладиган хизматлар</u>

1. **Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

**Ўлчов бирлиги – Миллий валюта (сўм)**

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (миқдори) | Асос | Миқдори | 15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **I. Бир марталик тўловлар** | | | | |
| 1.1 | Ҳар бир уланиш нуқтаси учун рўйҳатдан ўтказилган тўлови (FTTX технологияси бўйича) | 80 000,00 | Нархнома | 1 | 80 000,00 |
| | **II. Ҳар ойлик абонент тўловлари** | | | | |
| | Corporate-4 тариф режаси бўйича 20 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 19:00 дан 00:00 гача 5Мбит/с Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 00:00 дан 19:00 гача 20 Мбит/с | | Нархнома | | |
| 2.2 | Абонент тўлови | 450.000.00 | Нархнома | 1 | 450.000.00 |
| | Corporate-1 тариф режаси бўйича 4 Мб/с тезлигида UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш, Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 19:00 дан 00:00 гача 1Мбит/с Интернет тармоғига уланиш тезлиги, 00:00 дан 19:00 гача 4 Мбит/с | | Нархнома | | |
| 2.2 | Абонент тўлови | 240.000.00 | Нархнома | 2 | 480.000.00 |
| | VPN маълумотлар узатиш тармоғига кириш КСПД "Департамент" | | Нархнома | | |
| 2.3 | VPN тармоғига 2 Мб/с тезликда уланиш учун Абонент тўлови | 130 000,00 | Нархнома | 13 | 1 690 000,00 |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | | 2 700 000,00 |

Жами олдиндан тўлов миқдори 2 700 000,00 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.
Хар ойлик тулов 2 620 000,00 сум
Шартноманинг умумий миқдори 810000 сўм (______) сўмни ташкил этади. Ундан 2700000 сўм (______) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда ______ (______) сўм бир маротабалик FTTX технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

**ОПЕРАТОР:**
**"Ўзбектелеком" АК**
**Наманган филиали**

**Оператор номидан:**

Директор ________ **Б.Нурматов**
/имзо/
м.у.

**АБОНЕНТ:**
**Бош прокуратура хузуридаги Иктисодий жиноятларга карши курашиш департаменти Наманган вилоят бошкармаси**

**Абонент номидан:**

________ Б. Маҳмудов
/имзо/
м.у.

2022 йил “31” январь
IVT-G0309/69– сонли абонент шартномасига
**2–илова**

**Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси**

**Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил “31” “январ”**
**IVT-G0309/69- сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди**

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш - қабул қилиш далолатномаси

| № | Қурилманинг дастурий таъминот номи | Миқдори | Серия коди ёки завод рақами | 15% ҚҚСни инобатга олган холда, етказиб бериш қиймати, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |

*Қурилмалар Оператор томонидан Абонентга мулк сифатида топширилади.
*Абонент, Оператор томонидан алоҳида уланишлар ташкил этилиши учун сотиб олинган қурилмадан техник шартларга мувофиқ, белгиланган мақсадда фойдаланиши учун жавобгардир.
*Абонент қурилмаларнинг сифатига, ассортиментига ва сонига нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ.
*Ушбу далолатнома сотиб олинган қурилмага эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ҳужжатдир.

**ОПЕРАТОР:**
**“Ўзбектелеком” АК**
**Наманган филиали**

**Оператор номидан:**

Директор ____________Б.Нурматов
/имзо/
м.ў.

**АБОНЕНТ:**
**Бош прокуратура хузуридаги Иктисодий жиноятларга карши курашиш департаменти Наманган вилоят бошкармаси**

**Абонент номидан:**

____________ Б. Мехмудов
/имзо/
м.ў.

O'ZBEKTELEKOM AK NAMANGAN FILIALI
MIJOZLAR UCHUN